



Навоийнинг ошикона, орифона, риндона дея, нисбий жихатдан тасниф этилган лирикасида соф маънодаги илмий-маърифий ёки таълимий-ирфоний асарлар ҳам мавжуд. Бунга унинг газалларидан ва кичик лирик жанрлардаги асарларидан кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Хазратнинг ушбу тарздаги асарларида маърифат тушунчаси изчил мазмун-мохиятга эга бўлган холда, баъзан тадрижли тарзда баён этилади.

Бизни чуқур мушохадага чорлаган бир газалда шоир хакикат асроридан сўз юритар экан, мажозий маънода қўлланиладиган май, маъшука, сокий каби бадиий тимсолларга мурожаат этмайди. “Гаройиб ус-сигар” девонига киритилган мазкур газалда хаёт хакикати изловчи, истовчи билан (кўнгул, солик, дўст, пири дайр) маърифий сухбат қурилади. Газал чуқур мушохадавий, ирфон асрори сабоқларидан иборат.

Эй кўнгул, ер-кўк асосин асру бебунёд бил,
Ул кесакни суда кўр, бу сахфани барбод бил.

“Ул кесак” – ер курраси, “бу сахфа” – кўк, осмон. Демак, баъзан абадийга ўхшаб кўринган хаёт ниҳоятда омонат, сувда эриб, йўқ бўлиб кетадиган кесакдан ҳам, йигиб олиниб, гижимлаб ташланадиган коғоздан ҳам хор, субутсиз экан.

Газалда ўз даври ижтимоий масалаларига, муаммоларига муносабат тўғридан-тўғри баён этилмаганлиги боис, уни соф ирфоний мазмунга эга, дедик. Аммо, ислом шариати ва тасаввуф таълимоти шоир яшаган даврнинг етакчи мафкураси бўлганлиги аён-ку. Шундай экан, жамиятнинг энг чуқур фикрловчи аъзолари – сўфийлар тарбиясига киришган шоир, аввало, ўз илми, ижоди ва пирлик фаолияти билан жамият поклиги ва барқарорлиги учун хизмат қилади. Ушбу газалида Навоий пир сифатида намоён бўлади.

Навоийнинг ўз даври ижтимоий хаёти масалаларига сўфиёна нигоҳ билан қай тарика муносабат билдирганлиги диққатга сазовор. Маълумки, шоир илмий ва бадиий ижодида, давлат арбоби сифатидаги ижтимоий фаолиятида ислом сарчашмалари бўлмиш Куръони карим ва Хадиси шарифлардаги умумбашарий илгор гоёларга таянади,

тасаввуф назарияси, унинг илмий-гоявий асоси бўлмиш вужудуюн таълимотини чукур ўрганади ва таргиб этади. Унинг фалсафий-бадий тафаккури тараккиёти ислом маънавиятини кенг идрок қилиш ва уни ўз ижодий ҳамда ижтимоий фаолиятида таргиб этиш гоёлари билан бевосита боғлиқдир.

Газалнинг дастлабки уч байтида шоир калом олими сифатида намоён бўлади. У Куръони карим оятларига асосланиб ер киёмат кунда титрокка тушиб, текис ёйилиб қолиши, тоғлар майдаланиб кетиши, осмон ер устидан сиририб олиниб, гижимланиши ходисаларига ишора қилади. Албатта, инсон жисми ҳам худди шундай бебако:

Жисм уйи чунким, эрур фоний, тафовут йўк ани
Гар фано сайлобидин вайрону гар обод бил.

Жисм уйини йўклик сели вайрон қилса ҳам, обод қилса ҳам фарқ йўк. Тўрт унсур – ҳаво, сув, тупрок, оловдан яратилган вужуд ўзидаги нафс юкидан қутулмас экан, ҳатто, тўрт илохий китоб – Таврот, Забур, Инжил, Куръони каримни ёд қилса ҳам ҳеч қандай фойда қўрмайди:

Тўрт унсур қайдидин то чикмагайсен, нафъ эмас,
Осмоний тўрт дафтарни тутайким ёд бил.

Газалнинг бундан кейинги байтларида, Навоийни, энди, тасаввуф олими сифатида қўрамайди.

Лирик қахрамон навбатдаги байтда сўфиёна мушоҳадага берилиб, тангри таолони таъриф ва сўз билан идрок этмокчи бўлади. Аммо, бунинг ҳам имкони йўк. Оддий қўз билан қуёш синоатини қўриб бўлмаганидек, оддий тил яратгучи сифатларини муносиб тарзда ва сўз этишдан ожиз:

Эйки дебсан, ҳакни не таъриф ва сўз ила билай,
Ва сўздин мустағнию, таърифдин озод бил.

Дунё неъматларига майл этмайдиган покиза хилқатлар – фаришталарнинг рухий озиги тангри таоло зикридир. Ҳақ йўлига қадам қўйган эл поклар сафига қўшилмок учун худди шундай озикқа рағбат этмоғи даркор:

Тенгри зикриким, малойикка гизои рух эрур,
Бу гизони хак йўлига кирган элга зод бил.

Хар кандай тарикат тарбиясининг асосларидан бири зикрдир. Тарикатларни бир-биридан фарқловчи унсур ҳам зикр. Пир эътиқодига кўра дил покизалиги зикр биландир. Зикр – ботин сабоги бўлиб, зохирий сабоқлардан кўра мухимрокдир. Зикр меваси эса маърифатдир. “Маърифат лаззати дилда бўлади, – дейилади шайх Мухйиддин Ургутийнинг “Мактубот”идан жой олган бир мактубда. – Маърифат лаззати ҳамма лаззатлардан яхшироқ ва хушроқдир. Маърифат самараси эса мухаббатдир”. (Шайх Мухйиддин Ургутий. Мактубот. Тошкент. Мовароуннахр нашриёти. 2006 йил, 73-бет).

Гар хабибим килса изхори калом, эй пири дайр,
Исойи Марямни ул дам гунги модарзод бил.

Фард бўлмок – нафс юкидан, ўзлигидан ажралмок демак. Нафс кетгач, рух қолади. “Билсинларким, – дейди яна Шайх Мухйиддин Ургутий ўша “Мактубот”ида, – илм рухнинг таъсиридан хосил бўлади. Аммо, хак субхонаху ва таоло оинадай пок калбга назар қилади”. (79-бет). Хак таоло юзи зухур этган калб эса чин ошиқ калбидир:

Мантики ишқ ичра ошиқни тасаввур айла навъ,
Фард бўлганларни бу йўлда анга афрод бил.

Май кўханпири – тавҳид асроридан солиқни огоҳ этгувчи пири тарикат, муршид. У солиқни бу дунёда эл оёғи остида тупроқ каби ястаниб ётишидан авлиёуллох даражасига етиб олгунига қадар тарбиялаб, сўнгра рухсатнома беради:

Эл оёғига тушардин бошка чикмок рамини
Май кўханпирининг ушбу дайр аро иршод бил.

Эй сулук ахли, қачон максуд топқумдир десанг,
Мосиваллохни фано кўрган куни мийъод бил.

Худодан бошка барча борлик йўқ бўлиб кетган муддатда солиқ мақсадига етади, яъни, ваҳдат ҳосил бўлади. У вужудан ҳақ вужудида сингиб кетади. Аммо, солиқ илм истовчи эмасми, тавҳид асрорини идрок этишга интилади:

Эйки дебсенким, билай тавҳид сирин хабар,
Шаръдин неким тажовуз айлади илҳод бил.

Тавҳид масаласида шоирнинг дунёқараши қандай? Тасаввуф таълимотининг назарий масалаларидан бўлмиш “тавҳид” тушунчаси Навоий шеъриятида анча чуқур ифодасини топган...

Газал мактаъсида шоир ўзининг камолот йўлида ҳамон йўлчи эканлигини таъкидлайди. Унга кўра, «эй дунё ва жаннатдан кечиб ягона беҳамто дўст васлини топа олмаган толиб, бу дардингга бир далил, исбот келтирмоқчи бўлсанг, Навоий холига бок, у тасдиқлаб беради».

Дўст васлин топмаган дунёву уқбодин кечиб,
Ушбу дардингга Навоий холин истишход бил.

Бу газал “ёшлиқ даври шеърияти” деб номланган девондан ўрин олган бўлса-да, аслида, шоирнинг ўрта ёшлиқ даври ижоди маҳсулидир. Чунки, Навоий газалларида маърифий мавзу шоир ҳаётининг турли даврларида ўша давр мазмуни билан ҳамоҳанг равишда намоён бўлади. Чунончи, ёшлиқ даврида анъанага эргашиш («Илк девон» мисолида), йигитлик даврида ҳаётсевар фалсафий моҳият касб этади («Бадоеъ ул-бидоя» мисолида). Ўрта ёшлиқда шоир сўфиянинг назарий масалаларига мурожаат этиб, таълимий-дидактик асарларга майл кўрсатади. Бу ҳодисани унинг таржебанд, таркиббанд, соқийнома ва китъа жанрларида яратган асарлари мисолида ҳам кўриш мумкин. Қарилган лирикасида эса, газалларда мавзу-ғоя ифодаси, тасвирланмиш ва тасвирий имкониятлар турлича бўлса-да, пировард натижада, яқиний фикр, ҳулоса бир маънода, яъни, ўзликдан кечиб, фанога юз тутиш мақсади ифодаси билан интиҳо топади.

Юқорида қайд этган мулоҳазаларимиздан келиб чиқадиган ҳулоса шуки, Навоийнинг ҳар бир газали чуқур маънолар ҳазинасидир. Биз бу ҳазинанинг бир кичик нуктасига эътибор қаратдик. Аммо, шуни ҳам тўлиқ тушундик, дея олмаймиз. Бу ҳақда унинг ўзи

хам таъкидлаб, «менинг нукталарим жуда нозикдир, улардаги рамзий маънолардан бир заррасини изхор этиш учун мени тушунадиган бир киши бўлса эди, кошки», дея умид килади:

Нукта нозук бўлди асру бўлгай эрди, кошки,
Шаммае бу рамздин зохир этарга махраме...

Дилором САЛОХИЙ,
филология фанлари доктори